

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!  
Жонажон юртимиз –  
Ўзбекистонимизга яшариш,  
баҳор ва гузаллик байрами  
– Наврўзи олам кириб  
келмоқда.

Ана шу қутлуғ айём –  
Шарқона янги йил билан  
сиз, муҳтарам отахон ва  
онахонларни, мунис опа-  
сингилларимиз, суюкли  
фарзандларимиз, бутун  
халқимизни чин юракдан  
самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва  
қувончга тўлган мана шу  
нурли лаҳзаларда барчангизга  
сиҳат-саломатлик,  
хонадонларингизга бахту  
саоат, файзу баракат  
тилайман.

Қадрли дўстлар!  
Бугун кўп миллатли  
халқимиз дала ва қирларда,  
майдон ва хиёбонларда,  
табиат бағрида сайил-  
томошалар ўтказиб, Наврўз  
айёмини қутиб олмақда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача  
– барча юртдошларимиз  
катта шоду хуррамлик билан  
бир-бирини қутлаб, шу ёруғ  
кунларга етказгани учун  
шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг  
табаррук заминимизга,  
она диёримизга меҳри,  
ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат  
фазилятлари янада аққол  
намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда  
табиатдаги ўзгаришларга  
уйғун бўлиб, жамиятимиз,  
ҳаётимиз ҳам ўзгариб,  
янгилиниб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар,  
таълим, тиббиёт ва маданият  
масканлари, замонавий  
корхоналар, обод қишлоқ ва  
шаҳарлар юртимиз чиройига  
чирой қўшмоқда.

Наврўз фалсафаси, Наврўз  
қадриятлари – одамларнинг  
дарду ташвиши билан яшаш,  
кексаларга ҳурмат, муҳтож  
инсонларга эътибор ва  
ёрдам кўрсатиш, адолат ва  
халқларварлик фаолиятимиз  
мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало  
оналаримиз, аёлларимиз  
ва фарзандларимиз, бутун  
халқимизни рози қилишни  
ўз олдимизга эзгу вазифа  
қилиб қўйганмиз. Ва бу олий  
мақсадга албатта эришамиз.  
Шунда ҳаётимиз янада  
обод ва фаровон, буюк  
Алишер Навоий бобомиз  
айтганларидек, ҳар кунимиз  
Наврўз бўлади.

Бугун миришкор деҳқон ва  
фермерларимиз катта орзу-  
ниятлар билан янги меҳнат  
мавсумини бошламоқдалар.  
Барчамиз йилимиз қутлуғ  
келсин, ҳосилимиз мўл  
бўлсин, меҳнатингиздан  
баракат топинг, деб уларни  
табриклариб, ишларига ривож  
тилаймиз.

Азиз дўстлар!  
Мана, бир неча йилдирки,  
Бирлашган Миллатлар  
Ташкилотининг қарорига  
мувофиқ Наврўз байрами  
халқаро миқёсда кенг  
нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор  
байрам барча эзгу ниятли

инсонларни бирлаштиради,  
уларнинг қалбида энг гузал  
ва олижаноб туйғуларни  
уйғотади. Шу боис ҳам  
Наврўзи олам мустақиллик  
йилларида, миллати, тили  
ва динидан қатъи назар,  
диёримизда яшаётган  
барча юртдошларимизнинг  
ардоқли ва сеvimли  
байрамига айланди.

Бугун чет эл дипломатик  
корпус вакиллари,  
хорижий дўстларимиз ва  
ҳамкорларимиз Наврўз  
қувончини биз билан бирга  
бахам кўрмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб,  
азиз меҳмонларимизга,  
барча яқин ва узоқ  
давлатлар халқларига  
самимий табрикларимизни  
йўллаб, уларга тинчлик-  
осойишталик, раvнақ ва  
фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ва муҳтарам  
юртдошларим!  
Мана шу мунаввар  
лаҳзаларда сиз, азизларга,  
бутун халқимизга энг  
эзгу тилакларимни изҳор  
этишдан бахтиёрман.

Шарқона янги йилимиз ҳар  
бир оила, ҳар бир хонадонга  
бахт ва қувонч олиб келсин!  
Барча пок орзу-  
ниятларимиз амалга ошсин!  
Юртимиз тинч, халқимиз  
омон бўлсин!  
Наврўзи олам барчамизга  
муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз  
сайиллари бўлиб ўтмоқда



Юртимизга баҳор келди.  
Она замин узра кўкдам  
насимси эса бошлади. Қаҳратон  
совуқда мудроқ ётган дов-  
дарахт уйғониб, бугун қуртак  
ёзди. Куйшининг қайноқ  
тафтини соғинган майсалар  
кўзни қувнатиб, кўкка буй  
чўзди. Нозик новдаларга  
гўл битди, қийғос гуллаган  
боғлар капалак ва болариларга  
ошён бўлди. Бутун борлиқда  
уйғониш, янгилашиш, яшариш  
манзаралари...

Юртимиз бу гал ҳам  
тинч ва осойишта, халқимиз  
сиҳат-саломат ва бардам,  
салмоқли ютуқлари, мўл-кўл

орзулари, эзгу тилаклари  
билан Наврўз шодиёнларига  
қадам қўймоқда. Осмонимиз  
мусаффо. Бир дунё орзулар  
билан эртани қутиб, келажакка  
ишонч билан тўю-томошалар  
қилиш, янги уй-жойлар солиш,  
Ватан тараққиётига муносиб  
ҳисса қўриш ниятида яшаётган  
халқимиз “Хуш келмисан  
ўлкамизга, Наврўзи олам,  
қадамнинг қутлуғ бўлсин!  
Юртимиздаги тинчлик-  
омонликка кўз тегмасин!”  
деб қутлуғ айёмга пешвоз  
чиқмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## НАВРЎЗ – ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Наврўз минтақамиз  
қадимий ва умумий  
байрамидир. Унинг  
моҳиятида дўстлик,  
аҳиллик, бағрикенглик,  
яхши қўшнилик каби  
олижаноб фазилятлар  
ўз ифодасини топган.  
Халқимиз азалдан  
бу байрамни дўсту  
яқинлари, қон-  
қарошлари билан бирга  
нишонлаган.

Ўтган йили Наврўз  
кунлари Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти Шавкат  
Мирзиёев Қозоғистон  
Республикасида давлат  
ташрифи билан борган  
эди.

Бу йил Қозоғистон  
Республикаси  
Президенти Нурсултон  
Назарбоев Ўзбекистон  
халқини Наврўз билан  
табриклаш мақсадида  
Самарқанд шаҳрига  
ташриф буюрди.

Олий мартабали  
меҳмонни Президент  
Шавкат Мирзиёев қутиб  
олди.

Самарқанд  
шаҳридаги Форумлар  
мажмуасида икки  
давлат раҳбарларининг  
учрашуви бўлди.

Қардош ўзбек ва  
қозоқ халқлари азалдан  
ёнма-ён яшаган,  
яхши кунларда ҳам,  
қийинчилик даmlарда  
ҳам бир-бирини

қўлаб-қувватлаган.  
Бундай дўстлик ва  
аҳиллик бугунги кунда  
халқларимиз ўртасидаги  
алоқаларга мустаҳкам  
асос бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва  
Нурсултон Назарбоев  
Ўзбекистон ва Қозоғистон  
ўртасидаги ҳамкорлик  
янги босқичга кўтарилди.  
Мамлакатларимиз  
вазирлик ва идоралари,  
ҳудудлари ўртасидаги  
алоқалар фаоллашди.  
Транспорт йўлақлари  
очилиб, темир йўл ва  
автомобил қатновлари йўлга  
қўйилди.

Маданий-гуманитар  
ҳамкорлик кенгайди.  
Санъат ва маданият  
намоёндалари, шоир  
ва ёзувчилар икки  
мамлакатдаги кўргазма  
ва фестиваллар, маданий-  
маърифий тадбирларда  
фаол иштирок этмоқда.  
2018 йил Қозоғистонда  
Ўзбекистон йили  
ўтказилаётгани

халқларимиз ўртасидаги  
маданий алоқаларни  
янада ривожлантиришга  
хизмат қилади.

Президентлар  
минтақа давлатлари,  
хусусан, Ўзбекистон ва  
Қозоғистон ўртасидаги  
самимий муносабатлар  
ҳар қачонгидан ҳам  
мустаҳкамлашиб  
бораётганини қайд  
этиб, чегараларгаги

енгилликлар икки  
мамлакат халқларининг  
ўзаро борди-  
келдиси учун кенг  
йўл ва имкониятлар  
очгани, бунда энг  
катта мақсад бўлган  
халқларимиз розилигига  
эришилганини  
таъкидладилар.

Ўзбекистон ва  
Қозоғистон ўртасидаги  
ҳамкорликнинг  
бугунги ҳолати юқори  
баҳоланди, уни янада  
ривожлантиришга онд  
масалалар юзасидан  
фикр алмашилди.

Нурсултон  
Назарбоев ва Шавкат  
Мирзиёев Ҳазрати  
Хизр мажмуасига  
ташриф буюриб,  
мустақиллигимиз  
асосчиси Ислам Каримов  
қабрини зиёрат қилди.  
Биринчи Президентимиз  
қабрига гўл қўйиб,  
унинг хотирасига ҳурмат  
бажо келтирдилар. Қуръон  
тиловат қилинди.

Қозоғистон  
Президенти давлатимиз  
раҳбари ҳамроҳлигида  
Самарқанднинг диққатга  
сазovor жойларини  
томоша қилди.

Шу билан Қозоғистон  
Республикаси  
Президенти Нурсултон  
Назарбоевнинг  
мамлакатимизга  
ташрифи ниҳоясига етди.

ЎЗА

## НАВОИЙ: мулоқот майдони кенгайди

Яшириб нима қилдик, юракни гаш қиладиган ҳолатлар ҳамма жойда  
ҳам бор. Эшитиб, эзилиб кетасан, киши. “Ҳой одамлар, эсингизни  
йиғинг! Инсофга киринг!” дея айюҳаннос солгинг келади...



3-саҳифага қаранг

## “НАВРЎЗ – 2018” МАРАФОНИ

ўн минглаб юртдошларимизни бирлаштирди



Кўкдам айёми  
муносабати билан  
республикамизнинг  
барча ҳудудларида ёшлар  
марафони ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар  
иттифоқи ҳамда Ёнги  
атлетика федерацияси  
ҳамкорлигида ташкил  
этилган мусобақада  
ўн минглаб ҳаваскор

спортчи — ўқувчи ва  
талабалар, вақтинча  
ишсиз йигит-қизлар,  
фахрийлар иштирок  
этиди.

www.marafon.uz  
субсайтида онлайн  
рўйхатдан ўтган  
марафончилар уч  
гуруҳга бўлиниб, 2018  
метр, 3 ва 21 километр

масофани босиб ўтди.  
Финиш чизигига  
биринчи бўлиб етиб  
келган ҳамюртларимиз  
диплом, медал ва  
қимматбаҳо совғалар  
билан тақдирланди. Фаол  
иштирокчиларга фахрий  
ёрликлар топширилди.

Румия ВАЛИШЕВА



# ЯНГИЛАНИШ, МЕХР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тарадду билан қарши олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 февралда "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-муруват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуг инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ хайрия тадбирлари ўтказилди.

...21 март эрта тонган карнай-сурнай ва ногоралар садоси таралиб, юртимизда Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Наврўз байрами ҳамма жойда – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайилари шаклида ўтказилмоқда.



ўтказилган. Дорбозлар, масҳарабозлар, қўғирчоқбозлар, полновларнинг томошалари бўлиб ўтган.

Юртимизда бу йилги Наврўз байрами ўзгача нишонланмоқда. "ЎзэкспоМарказ" мажмуида кенг сайил сифатида ўтган байрам дастурида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган вакиллар ўз ҳудуди тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини акс эттирган чиқишлар, тансиқ тоомлар ва ҳунармандлик

Сочларига жамалак таққан қизлар шўшон рақсга тушади. Онахонлар тандирдан қайноқ нонларни узиб, меҳмонларга улашади.

Лапарлар, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови қизиди. Фольклор жамоаларининг куй-қўшиқлари қушлар чуғурига, кўркам фавворанинг жилдирашига уйғунлашиб кетди.

...Халқимиз Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутади. Бу гал ҳам шундай фусункор дамларда еру кук бағрида рўй

қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди.

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2700 нафар мақумни афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлди.

Қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди.

Навоний иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авинизум-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда. Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингургурт ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Омалиқ кон-металлургия комбинати "Ёшлик – 1", "Ёшлик – 2" конларини ўзлаштиришга киришди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб боришмоқда.

Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи аяни пайтда электрлаштирилади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланишининг ижобий салбоси 854 миллион долларга етди.

Миллий валютанинг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Юридик ва жимсоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларида чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди.

2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объекларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан

зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уй-жойлар барпо этилди. Бу 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрсатади.

25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. 2017 йилнинг ўзига 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қурилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзига ўтган йили 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

Манавий ҳаётимизда ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорийи ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислам академияси каби илмий-

чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

...Наврўз мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамидир. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равақли йўлида барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари тантанга ташриф буюрган турли миллат ва элат вакиллари билан учрашиб, уларни байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўзи олам – Шарқона янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этди.

Қутлуғ кунда барчага сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тиллади.

...Майдон узра янграётган аилбар куй-қўшиқлар мамлакатимизнинг олис-олис ҳудудларига таралиб, байрам шукўҳини юртимиз бўйлаб ёйди.

Шу кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз шодиёналарида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳардаги марказий истироҳат боғида яқинда ўрнатилган Алишер Навоний ва Жомий ҳайкаллари пойига гўл қўйди. Шу ерда самарқандлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Президент Жаноблари!

Наврўз байрами арафасида Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сўнги йилларда Хитой – Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарилди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги аънанавий дўстлик риштадарига янги ҳаётли куч бағишлади. «Бир макон – бир йўл» қўшма лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, халқаро ва минтақавий масалалардаги ўзаро алоқалар мустақамлашиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдали бўлмоқда. Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз ва Сиз билан дўстликни юксак қадрлашимизни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Си Цзиньпин,  
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Хурматли Президент, азиз қардошим!

Улкаларимиз ўртасидаги қадим дўстлик, қардошлик, бирдамлик ва ҳамкорликни ўзида мужассам этиб, келажак авлодларга етказган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва қардош ўзбек халқини турк халқи ва шахсан ўз номидан энг самимий тилакларим ила табриклайман.

Хурмат билан,

Режеп Таййип Эрдоган,  
Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Шавкат Миромонович!

Уйғониш, яшариш ва янгилиниш фасли – Наврўз айёми муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик ва муштарак маънавий қадриятларга асосланган кўп томонлама муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада жадал ривожланишига ишончим комил.

Хурмат билан,

Нурсултон Назарбоев,  
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Шавкат Миромонович!

Уйғониш, яшариш ва шахсан ўз номидан Сизни ҳамда Сизнинг тим-солинмида бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми – Наврўз билан самимий муборакбод этаман.

Наврўзни нишонлаш халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик аънанавий дўстлик, яхши қўшнилик ва қардошлик алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади.

Биргаликдаги сай-ҳаракатлар билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва англашув тамойилларига асосланган муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

Сооранбай Жээнбеков,  
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Шавкат Миромонович!

Қадри биродарим! Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни изҳор этиш, фаровонлик ва равақ тиллашга ижозат бергайсиз.

Бир неча минг йиллик тарихга эга Наврўз байрами меҳмондўстлик, яхши қўшнилик аънаналари бардавомлиги ва улуг инсонийлик тамойилларини мужассам этган халқларимизнинг маънавий ва маданий бойлиги ҳисобланади.

Чўқур хурмат ила,

Гурбангули Бердимухамедов,  
Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Мухтарам Шавкат Миромонович!

Ўзим ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини миллий ва маданий-маърифий қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан самимий қутлайман.

Халқларимиз иродаси билан биз бундан буён ҳам Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини биргаликда мустақамлашга боришимизга ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Хурмат билан,

Илҳом Алиев,  
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига ўзининг энг самимий табрикларини изҳор этаман.

Муштарак байрамимиз билан яна бир бор муборакбод этган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайишига ишонч билдираман.

Хурмат билан,

Мухаммад Ашраф Ғани,  
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти



Тошкент шаҳридаги асосий байрам тадбирлари "ЎзэкспоМарказ" мажмуида бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари халқни сайилга чорлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам сайлига чиқди.

...Турфа ранг байроқчалар хилпирайди, ранго-ранг шарлар майин эпкинларда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий сахна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.

...Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига кир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпқари, пойма, кураш, мерганлик каби миллий уйинлар

маҳсулотларини намойиш этди. Устаю ҳунармандлар, ганчкорлар, каштадўзу чеварларнинг рангинг либослари, думбира, доира каби халқ чолғу асбоблари, миллий буюмлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадий жамоаларнинг чиқишлари, уюштирилётган халқ уйинлари, куйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг хилма-хил ноёб қирралари ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуд учун ажратилган майдонга бориб, уларнинг концерт дастурларини томоша қилди. Худудлардан ташриф буюрган нуруний отахону онахонлар билан сўхбатлашиб, уларни байрам билан табриклади. Қўллар дуога очилди.

...Йигитлар чиллак, зувиллатар уйнади, кураш тушиб беллашади. Қоқилгудан бошига чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тортишади. Дорбозга қараган одамнинг кўзи қамашади. "Беш тош", "Мак-мак" ва "Оқ теракми, кўк терак?" уйинлари, полволик, гимнастика, акробатика, масҳарабозлик, қизиқчилик каби намойишлар Наврўз сайли қатнашчиларини ҳушнуд этди. Дошқозонларда қайнаган сумалак ифори оламини тутди.



маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ўз йилининг ўзига 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.

2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бу йил бизнес-фаолиятни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда рақобатбардош маҳсулот ишлаб

ижодкорлар ҳамда Наврўз шодиёналарида иштирок этиш учун юртимизга келган тожикистонлик шоир ва ёзувчилар билан мулоқот чоғида ўзбек ва тожик адабиётининг бу икки буюк вакили хотирасига ўрнатилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, яқинликни янада мустақамлашга хизмат қилшини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоний номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирларида вилоят жамоатчилиги, нурунийлар, ишлаб чиқариш фаоллари, ёшлар билан сўхбатлашиб, барчани байрам билан яна бир бор табриклади. Самимий сўхбат чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,  
ЎЗА муҳбири



# НАВОЙИЙ: мулоқот майдони кенгайди



## “Ёшлар сайли” да ҳамма яйради



Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида “Ёшлар сайли” ўтказилди. Унда ўн минг нафардан зиёд тенгдошимиз қатнашди. Сайил доирасида иштирокчилар миллий ўйинлар, танлов ва спорт мусобақаларида маҳоратини намойиш этиб, баҳорий таомлар кўргазмасидан баҳраманд бўлди. Ёш рассомларнинг бир-бирдан ажойиб пейзаж ва натюрмортлари, шўх ялаю лапарлар барчага хуш кайфият улашди.



## Форум танқидий руҳда ўтди



“Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида Ёшлар иттифоқининг меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президенти девонининг масъул ходими Асилбек Муртазаев, Халқ таълими вазири ўринбосари Алишер Саъдуллаев, Марказий банк бошқарма бошлиғи Фарид Назаров иштирок этди.

Мулоқот давомида етакчилар кўтарган муаммолар сабабларини ўрганиб, бартараф этиш бўйича керакли тавсиялар берилди. — Бугунги форум биз учун тажриба майдони бўлди, — дейди Ёшлар

иттифоқининг “Қизилқумцемент” АЖдаги бошланғич ташкилоти етакчиси Сардор Фармонов. — Ҳазорат фикр алмашиб, олдимизга аниқ мақсад ва режалар кўйдик. Тадбирда етакчилар учун Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида бир ойлик ўқув курсини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини муносиб рағбатлантириш, лавозимда кўтарилишини таъминлайдиган аниқ механизм ишлаб чиқишга келишиб олинди. Энди бундай форумлар республиканинг барча ҳудудларида ўтказилади.



## Армиядан қайтганга иш бор...ми?

Ёшлар ҳафталиги дастуридан муҳаддаи ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларнинг бандлигини таъминлашга доир очик мулоқот ҳам ўрин олди. Иштирокчилар Кармана тумани ҳокимлигида жамланди.



Тадбир аввалида муҳофизат тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилиш, юрт тинчлигини таъминлашга қодир миллий армиямиз шаклланиши қайд этилди. Қуролли Кучлар резервига бўшатишган ёшларга шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттириш, ички ишлар идораларида хизмат қилиш, олий ҳарбий ҳамда бошқа таълим муассасаларига ўқишга кириш тартиби юзасидан тегишли тавси-

ялар берилди. Ёшларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари тингланди. — Маҳалла посбонлари биздек ҳарбий хизматга борган йигитлар орасидан саралаб олинса, яхши бўлади, — дейди қизилтепалик Алишер Сайфиев. — Шахсан ўзим ҳозирок мазкур вазифага киришишга тайёрман. Мулоқот давомида ёшлар тадбиркорлик фаоллигини бошлаш учун кредит ва ер ажратиш, “Жасорат” клуби аъзоларига гувоҳнома берилди. Масаласида ҳам мурожаат қилди.

## 278 йигит-қизнинг муаммоси ҳал бўлди

Ҳафталик доирасида Қизилтепа туманида сайёр меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 62 корхона ва ташкилот 1 минг 600 дан зиёд иш ўрнини тақдим этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан таништириди. Натижада 278 нафар тенгдошимиз доимий иш жойига эга бўлди.



Тадбир давомида айрим етакчиларнинг ҳисоботлари тингланди. Таҳлиллар жараёнида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, ташкилот ёки корхона раҳбарияти билан ёшлар ўртасида жонли мулоқотлар деярли ўтказилмаётгани, баъзи етакчилар ўз вазифасини



## Битта бўлса ҳам кўп

Бир оиланинг барбод бўлиши жамият асосига дарз кетгани демакдир. Агар ажрим ҳолатларининг йиллик, қўйингки, ҳатто ойлик статистикасига назар ташласак, Фаровонлигимиз ҳавф остида экани аниқ намоён бўлади.



лар масаласига беварқ қолишга ҳаққимиз йўқ. Бу — маънавий жиноятдир! Ўзбекистон ёшлар иттифоқи эртанимиз эгаларини мазкур фалокатдан асраб қолишга астойдил бел боғлаган. Усуллар турлича. Масалан, ҳар бир ҳудудда бўлиб ўтаётган “Ёшлар ҳафталиклари” до-

ирасида ташкилот қошидаги Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари туман-туман, маҳалла-маҳалла, хонадон-хонадон юриб, тақдирини қил устида турган ёш оила соҳибларини яраштиришга ҳаракат қилмоқда. Навоий вилоятига

сафар ҳам истисно бўлмади. Уч кун мобайнида малакали психологлар Навбахор, Хатирчи, Кармана, Конимех туманлари ҳамда вилоят марказида бўлиб, унлаб оилалардаги ижтимоий ва маънавий муҳитни ўрганди. Уларга маҳалла раисларининг маслаҳатчилари ҳамроҳлик қилди.

Яшириб нима қилдик, юракни гаш қиладиган ҳолатлар ҳамма жойда ҳам бор. Эшитиб, эзилиб кетасан, киши. “Ҳой одамлар, эсингизни йигинг! Инсофга кириг!” дея айюҳаннос солгинг келади. Икки мартаба уйланиб, на у рўзгор, на бунисини эплаган, энди эса, онасининг қистови билан кўзини чирт юмиб ажрашаётган ёки нақ тўрт мартаба шайрий никоҳдан ўтиб, аҳли аёлини ўз ҳолига ташлаб қўйган “оила бошлиқлари”, ўз жуфтини беаёв дўппосла-

гани етмаганидек, янги келинга ҳам қўл кўтаришгача борган нодон қайнотани нима деб аташ мумкин, ахир?! Уч кунлик миссия доирасида бу каби аянчли тақдирларнинг бир эмас, бир нечаси ўрганилди, заруратга ҳараб ажралишга қарор қилган ёшларга малакали маслаҳат ва тавсиялар берилди, айримларига руҳий мадад кўрсатилди, баъзи оилалар эса, яраштирилди. Масалан, Хатирчи тумани Найманча қишлоғига келин бўлиб тушган 22 ёшли Дилобар Жўраеванинг турмуш ўртоғи Ойбек Эшпўлатовдан сира шикоят йўқ. Шунга қарамай, улар ажрашмоқчи. Ҳамма гап қайнотада. Ёши бир жойга бориб қолган бу жохил эркак дастидан оиланинг бирон-та ҳам аъзоси рўшнолик кўрмайди. “Кўргончи” маҳалла фуқаролар йиғини масъулари можарони

бартараф этишга ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмади. Масала ички ишлар органлари ва судга етиб борган. Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари вазиятни жойида таҳлил қилиб, ижобий ечим топишга ҳаракат қилди. — Кўпгина оилаларда аёллар икки-учталаб фарзанди билан ёлғиз кун кечирмоқда, — дейди психолог Сарвинисо Камолова. — Суриштирсанг, эр ҳамма нарсидан воз кечиб, Россияга жўнаворган. Бироқ уйга бир сўм ҳам пул жўнатмайди. Шўрлик опаларимиз йиллар давомида бошга тушганича чидаб яшашга мажбур. Аксарияти руҳий жиҳатдан ниҳоятда толиққан. Ҳафталик доирасида уларга имкон қадар ёрдам бердик. Энди бу ишлар бир марталик бўлмайди — мунтазам давом этади.

## Натижа — янги клуб

Ҳафталик баҳонасида Республика ёш олимлар кенгаши вакиллари илмий иқтидори бор юзлаб йигит-қизлар билан учрашди. Шу мақсадда асосан олис туманларга йўл олинди.



Кўп сонли тенгдошларимиз хоҳиш-истагига биноан Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида Инновацион ғоялар клуби ҳам ташкил этилди. Тез орада унинг негизида замонавий ўқув лабораториялари фаолияти йўлга қўйилади. Харажатларни Ёшлар итти-

фоқи ҳамда маҳаллий ҳокимлик ўз зиммасига олган. Янги клубнинг очилиши муносабати билан ёшлар томонидан яратилган инновацион ишланмалар кўргазмаси бўлиб ўтди. Фаол иштирокчиларга махсус сертификат ва эсдалик совғалар топширилди.

Саҳифа материалларини Жавлон Вафоев, Наргиза Умарова Санжар Эшмуродов, Дианоэза Абулхамидова тайёрлади.

Ж.Эркинов, С.Асланов, Ш.Ғайбуллаев, Р.Очилов.



Ш.БОБОХОН

22-MART — BUTUNJAHON SUV KUNI

Укус давлат педагогика институти "ЭКОСАН" халқаро хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Халқаро сув кунини муносабати билан тарғибот тадбирини ўтказди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари, бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, олим ва педагоглар, талаба-ёшлар қатнашди.

Сўзга чиққанлар дунё аҳолисининг тоза ичимлик сувиغا бўлган эҳтиёжини қондириш глобал муаммага айланганини таъкидлади. Нукус шаҳри ҳамда туманларда сув таъминоти бўйича амалга оширилган ишлар ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳусусида ҳам

тўхталиб ўтиди. Кимё-биология факультети талабалари — Гулмира Назарбоева "Чиқиндилар ва уларни қайта ишлаш механизми", Баҳоргул Жонизоқова "Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган минерал ўғитларнинг биосферага таъсири" мавзуларида маъруза қилди.

Яқунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофича жавоб олди.

BELLASHUV

Пахтакорликлар финалга чиқди

Сардор БЕКЖОНОВ

Жиззах вилояти мусикали драма театрида "Энг намунали сардорлар кенгаши" танловининг худудий босқичи ўтказилди. Унда "Камалак" болалар ташкилоти аъзоларидан шакллантирилган 13 жамоа финалга чиқиш учун кураш олиб борди.



Учта шартдан иборат беллашувда ўқувчи-ёшлар ўз тенгдошларининг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган

бир-бирдан қизиқарли лойиҳалар тақдимотини ўтказиб, савол-жавоблар асносида топқирлик ва билимдонлигини намойиш этди. Долзарб мавзуларга бағишланган сахна кўринишлари ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади.


Ҳақамлар ҳайъати ҳар бир жамоанинг чиқишини адолатли баҳолаб борди.

Мурасасиз кечган баҳслар якунига кўра, 3-уринга Фаллаорол туманидаги 16-умумтаълим мактаби жамоаси сазовор бўлди. 2-урин Жиззах шаҳри вакилларига насиб этди. Пахтакор туманидаги 9-мактаба таълим олаётган сардорлар голиблик шўсупасининг юқори поғонасидан урин эгаллади. Энди улар лойиҳанинг республика босқичида вилоят номидан иштирок этади.

VATANGA XIZMAT — OLIY BURCH

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида мuddатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар қасамёд қилди.



КЎКСИ ҚАЛҚОН ЙИГИТЛАР

Тантанали тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ботир Матмуратов, Қонунчилик палатаси Муҳофизат ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Акмал Раҳмонов, Ёшлар иттифоқининг Зангиота тумани кенгаши раиси Си-

рождидин Носиров, шунингдек, институт раҳбарияти, фахрийлар кенгаши аъзолари, аскарларнинг яқинлари иштирок этди.

— Бугун Ватанимга сизидан хизмат қилишга сўз бердим, — дейди одадий аскар Абдуллаҳон Иминов. — Бу қасамёд — бир умрлик. Унга, албатта, содиқ

қоламан! Ҳарбий хизматдан кейин олий ўқув юртига кириб ўқимоқчиман. Эл-юртга керакли мутахассис бўлишни хоҳайман.

Тадбир сўнгидан иштирокчилар меъзон муассасадаги бадий ҳаваскорлик тугараклари аъзолари тайёрлаган концерт дастуридан баҳраманд бўлди.

XAYRIYA AKSIYASI

100 нафар бола таклиф қилинди

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Чилонзор тумани ҳоқимлигида Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ташаббуси билан "Иттифоқ ифтихорида" хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унда тўлиқсиз ҳамда кам таъминланган оилаларнинг юз нафардан зиёд фарзандига ўқув қуроллари жамланмаси совға қилинди.

— Ота-онамдан эрта ажралдим, — дейди 101-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Розиябону Маҳкамова. — Бувим қарамоғида яшайман. Мактабда яхши баҳоларга ўқийман, кураш билан шугулланиб, республика чемпиони бўлдим. Келажакда моҳир спортчи бўлмоқчиман.

Ҳа, Барчиной авлодлари бўлиш қизларимиздаги жўшқинлик байрам кайфиятини янада кўтарди. Болалар санъат ва рақс гуруҳлари, мактаб-

гача таълим муассасалари дасталари тайёрлаган "Бахтли болалик" бадий дастури барчага манзур бўлди. — Туманимизда кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилди, — дейди 281-мактаб ўқувчиси Зиёдахоннинг онаси Дилдора Афзалова. — Яқинда "Гавҳар" туйхонасида биз каби оилалар учун ош тарқатилди. Президентимизнинг савобли ишлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳўмилар эътиборидан мамнунмиз.

Совғалар сероб



ФОТОФАКТ

Наврўз байрами олдидан Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши барча туманлардаги боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда жисмоний имконияти чекланган ёшларга 67 донатикув машинаси ва ўн та микротўқинли печь совға қилди.



TASHABBUS

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилояти кенгаши Марказий ҳарбий округида тўртта кўчма китоб жавонини ўрнатди. Уларда ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона намуналари жамланган.


Шунчаки ўтиб бўлмас

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Айни вақтда муассасада 450 нафар аскар йигитлик бурчини ўтамоқда. Янги лойиҳа сабаб ҳар бирининг мутолаага қизиқиши янада ортса, не ажаб.

— Китоб жавонларини атайин кириш эшиклари олдидан ўрнатдик, — дейди Марказий ҳарбий округдаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси, капитан Сардор Солиқов. — Шунда улар бирдан эътиборни тортади. Бебаҳо маънавий хазинанинг олдидан бефарқ ўтиб бўладими, ахир!

Илк кунданок 50 дан зиёд китоб кўлама-кўла бўлиб кетди. Тез орада янги адабиётлар олиб келишни режалаштирганмиз. Бу борада Иттифоқнинг вилоят кенгаши бизга яқиндан ёрдам бермоқда.



DUNYO BIZ HAQIMIZDA



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви жаҳон эксперт доираларида қизгин муҳокама қилинмоқда. Айрим фикрларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси собиқ раҳбар Нурбер Жўстен Шавкат Мирзиёев илгари сураётган ташаббус ва ғояларга юқори баҳо берар экан: "Ана шундай фаоллик эвазига Қозғистон пойтахтида тарихий учрашув ташкил этишга эришилди, — дея эътироф этади. — Марказий Осиё давлатлари мазкур форматда ўзаро мулоқот олиб бориши, биринчи навбатда, оддий одамлар учун фойдали. Назаримда, аслида ҳам бу каби учрашувлар халқ манфаатларига хизмат қилиши керак. Шу аснода мамлакатларнинг товар айирбошлаш ва инвестициялар киритиш борасидаги алоқалари ҳам жонланиб, иқтисодий ўсиш кузатилади".

Берлиндаги Кавказ ва Каспий бўйича тадқиқотлар институти директори Матиас Дорнфельдт

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан дўстона муносабат ўрнатиш, шунингдек, минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этиш мақсадида халқаро алоқаларни кенгайтиришга қаратилган ташки сиёсати ҳар жиҳатдан тўғри эканини эътироф этади. Унинг сўзларига кўра, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг бир даврга тўплангани умумий муаммоларга оқилана ечим топиш, қолаверса, минтақа доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. "Бундан эса, нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки улар билан узоқ муддатли алоқа қилишдан манфаатдор бўлган бошқа давлатлар ҳам бирдай ютади", — қайд этади эксперт.

EIAS ЭКСПЕРТИНИНГ БАҲОСИ ҲАМ ЮҚОРИ

Остонадаги саммит ҳақидаги мулоҳазали материаллар бир қанча хорижий оммавий ахборот воситалари, шунингдек, электрон нашрларда ҳам кенг ёритилди.

Хусусан, Брюсселдаги Осиё тадқиқотлари институти (EIAS)нинг интернетдаги расмий саҳифасида лойиҳалар координатори Альберто Туркстра қаламига мансуб таҳлилий мақола жойлаштирилган. Тадқиқотчи Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви, том маънода, тарихий воқеа бўлганини таъкидлайди. "Саммитни ўтказиш ғояси илк маротаба Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзудаги халқаро конференцияда илгари сурилган, — дейди эксперт. — Маз-

кур форумда Ўзбекистон етакчиси минтақавий ҳамкорликнинг янги концепциясини тақдим этиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларига доимий аснода учрашиб туришни таклиф қилган". А.Туркстра бугунги кунда минтақада унинг улкан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини берувчи муносабатларга асос солинмоқда. Давлат чегаралари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилгани, виза олиш тартибининг соддалаштирилгани, турли даражадаги ташриф ва алоқалар учун замин ҳозирлангани, минтақавий савдо муносабатларига кенг йул очилгани бу борадаги саяёҳаракатларнинг ижобий натижаси ҳисобланади.

"ZENTRALASIEN - ANALYSEN" ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛДИ

Германиянинг "Zentralasien-Analysen" журнали веб-сайтида "Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати: очиқлик, ташаббускорлик ва прагматизм" сарлавҳали материал эълон қилинди. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази директори Э.Арипов томонидан тайёрланган.

Мақолада Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномаси ҳамда ўтган йилги ташқи сиёсий фаолиятимиз таҳлил қилинган. Эксперт қисқа фурсатда Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўзбек дипломатияси бир қанча муҳим ютуқларга эришганини айтиб, ҳар бирини аниқ факт ва далиллар асосида бирма-бир шарҳлаб ўтган. Хусусан, қўшни мамлакатлар билан ўзаро алоқаларнинг янги босқичга кўтарилгани, давлатимизнинг ташқи сиёсати ички мас-

алар, авваламбор, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир долзарб муаммолар ечимига қаратилгани, Ўзбекистон жаҳон ва минтақавий доирадаги йирик давлатлар билан очиқлик тамойили асосида конструктив ҳамкорлик линиясини сақлаб қолаётгани, Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра, Афғонистон билан икки томонлама алоқалар кенгайиб, Ўзбекистон афғон муаммоси ечими юзасидан олиб борилаётган кўп томонлама саяёҳаракатларга фаол қўшилгани тилга олинади.



## BAYRAM SHUKUHINI



РИЗАРАМАТОВ

Шодмонкул САЛОМ

Кулранг, зилдек булутлар кун бўйи елкамдан босиб турди. Қиёс қилдимки, улар елкамга тегиб-тегиб кетаётир. Кўксимни салгина кўтариб чуқур нафас олай десам, бошимга оғир шифтдек урилади. Шу кунни биров ортимдан кузатиб юргандек ўзимни ноқулай сезиб ўтказдим.

# БАҲОР ЁМФИРЛАРИ

Жуда толиқдим, эрталабдан таъбим хиралашди. “Э, бор-э!” — дедим-да, ишхонани тарк этдим. Ташқарига чиқсам, шаҳар тилло толгандек айрича қувониб ётир. Бизнинг гамноқлигимиздан севингандек, ўзининг шодлиги бизга татилаётганини билиб, атай гашга тегаётгандек.

Баҳор денг... ёш қарининг чеҳрасида бир чучмал табасум... Уни-бунни баҳона қилиб тиржайгани-тиржайган. Бу ҳолат ҳам бизга малол. Худди бизни эрмаклар кулаётгандай бўлаверди. Хулмас, эшиттирмай айтар бўлсак, бошимиз узра парвона бўлиб турган баҳордан ранг олиб, бизнинг ҳам феъл-хўйимизда айрича бир ҳол юз очибди. Тагин, бизнинг беҳуду беоромлигимизнинг буюк сабаби ҳам айна шу қарлуғочқандот фасл ташрифи эмасмикан!?

Билмадим — фаслтанлар даражада инжиқ эмасдик, нима бало бўлди тушуниш мушкул?! Теградаги юзида табасум инган кишиларга бу фасл бошқача, бизга бошқача таъбир этгани, билла-майлман! Қон суюқлашиб, мия фаоллашиб, айна дамба чошгоҳдан уйкуга тортиб (энг бехосият уйку — шу!), еганимнинг таъмин билмай, ёнжиб юрибман. Бир жойларга, алмакандай тоғларга-ей улоқиб кетгиларим ҳам келади. Элга қўшлай деб ҳар қанча ҳаракат қилмайин, барибир, дил ёришмади. Булут эса, таъкиб этаверди. Бойчечак тутган ўрис кампир кўзимга баладай кўринди. Унинг бир нималар деб гапиргани қулоғимга кирди-да, жеркиб бергим келди. Хайрият, ўзимни тийдим.

Осоннинг тундаги кўнглига тўлиқ кўчиб, кучада санқиб, амаллаб кунни ботирадик. Аникроғи, қизғиш

уфқ қорайиб, ер устига қора тумандек кеча кириб келди. Бизким, кайфият хўжрасининг бандаси, биров билан мушталашгандек, уша хўжрамизга асабий ва хўрғин қайтдик. Кейин иштахамиз йўқлигини баҳона қилиб, катта қўзилдик. Кошки, кўнглингиз биров тушунса... Тушунса-да, келинг, овқатланамиз, деса. Шундай-ку дейишди, аммо биз бугун кўпроқ иззатталаб эдик. Шу боис жойимиздан қўзғолмадик ҳам. Чунки чиндан ҳам таъб жуда ўткирлашган, инжиқлик ортган, даричадан кириб турган баҳор ели ўрик гулларининг бўйини елтиётир. Овқатлансам, шу бўйларни чайнаб қўядигандек гуноҳдор ҳам сезялман ўзимни. Шифтга бемаъно тикилиб ётибман. Илон чақдан ўхларимиз-у, оч одам ухоломас эмиз. Ҳаххона ҳам элан-қаран чой ичиб бўлгач, чироқни ўчириб хонасига кетди. Гум бўлди. Аммо кундузги толиқиш бизни аллалади.

Бир замон кўз илинибди. Тўш қўрибман. Одам кўради-ган тўшларни кўрмаганимга ҳам минг йиллар бўлган экан! Тўшимга айлангани, болаликнинг ҳамроҳлари Ойсанам билан Баҳодир кирибди. Хув уша кўзибоқар қирларда юрибди иккови. Мен йўқ! Кўрдим. Ва тушим ичида туриб уяладим: улар хануз мусаффо болаликда қолиб кетган-у, мен эса, йўқолиб қолганман. Даштада жондор олиб кетган кўзидай. Уша кўзиқоқдай гул кўнглимни тириклик жондори еб кетди-микан-а!?

Ойсанамнинг патила сочларида чучмомадан ясалган сочпопук, Баҳодирнинг лой юқи қўлларида бир нечта қўзиқорин — замбориқ! Ол-даларида уша қўзиларимиз... Бир замон ёмғир қўйиб қолди!

Баҳодир ва Ойсанам амакиларимнинг эгасиз кўтонига паналаш учун чопди. Қўзилар эса, бепарво, ўт чимдиб юрибди. Уша ёмғирнинг бир-икки томчиси юзимга урилгандек бўлди — илкис кўз очдим! Юрагим гурс-гурс уриб турибди. На кенглик, на ям-яшил қирлар, на энасидан айрилган қўзилар сурви ва на бошқа нарса — ҳеч бири йўқ! Аммо даричадан бошқа бир товуш кирди қулоғимга. Ё, пирай! Тушимдаги ёмғир ўнгимга қўчиб кирибди: ёмғир ёғаётир... Вой, товушларингдан! Ётган жойимдан туриб ўтирдим. Сўнг қўзғалиб деразага яқин бордим. Юзимга қоронғулик қаъридан майда заррачалар келиб қўлиди. Шу аснода уша ўн ёшли болаликни жуда кўмсаб, ўртаниб кетдим. Ичимда — кайфиятнинг ўшиги тамбалаган бир хўжрасига қамалиб қолган ўн ёшли болакининг доди онгимни пардек тўзғитди. Юзим жимирлади, иссиқ кўзёш лабларимга шўр, ҳаётдай тахир бир таъмини улашди. Оқиб кетгим келди шу ёшлар селида. Аммо юрак деган зил тошни болалик ёмғирлари оқибди кетмаётир. Дераза ёнида узоқ турдим. Ёмғир эса, гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб ёғмоқда.

...Аллазамон вақт ўтган бир нарсани англадим: энди дилда кун бўйи қўчиб ётган тошдан асар ҳам йўқ эди. Барча рутубатимни баҳор ёмғири юви юборганди. Кўнглим бир енгил бўлиб, кўкракка осилган тошлар қайларгадир гойиб бўлганди. Даричадан қоронғуликка боқиб турганимча кўзимга ҳозиргина қовоқларимни жазилатиб қуйдирган тушадаги болаликни кўргим, тақор, фақат яна бир мартагина, туша эмас, ўнгимда кўргим келарди. Ёноғимга ботин ёмғирлари тақор

шивалай бошлади. Юраги тош одам йиғлаётгандай. Қувониб, соғиниб, ёқимли, армонли бир ҳислар ёшга дўнаётгандай.

Тимирскилиниб, оёқ учидан юриб, курсини толиб келдим. Азбаройи шу паллада бировнинг телефон қилишини, ҳамхонанинг талмовсираб кеп қолишини ё бошқа биров безовталиқни сира-сира истамас эдим. Ёлғиз эдим — бир ўзим каби ёлғиз эдим мен! Тун ҳам яримлаб қолганди. Курсига чўқдим. Дераза қаршида ёмғирни тинглай бошладим. Оламада қоронғулик бўлмаса одамзод кўр бўлиб қолади. Қоронғуликка кўзларга сурмадек малҳам бўлади, кўзларни равшан этади. Оқликнинг, чинакам ёруғ оламининг қиммати қоронғуликда ниҳондир. Қоронғу туннинг сочларини ювиб ёмғир ёғади. Ёмғирнинг товушини умрим мобайнида бунчалар яқиндан, тиниқ, оҳангларга ажратиб, дилгирлик билан, ёниқиб тингламаган эдим. Аммо билардим, аниқроғи, ҳис этардим: қайдадир шундай бир оҳанглар бор, шундай бир нола мавжуд! Авжини билмайман-у, лекин тинглагим келиб юрар эдим. Мусиқа оламининг билгичлари, эҳтимол, ёмғирнинг ово-зига тақлид қила олар. Бироқ одамнинг товуш бойлиги унга жүр бўлолмайди. Деразанинг ҳам армони қолмади! То тонгача мен мунис қўшиқ тингладим, мунгли, дарди, аммо нияти оқ кўйга маст бўладим!

Ёмғир остида сездирмай айланаётган қоронғу оламининг рафтори кўз олдидан ўтарди: ялангоёқ чопиб бораётган қизалоқлар, гоҳ “арқон”, гоҳ “гилам” бўлиб сузаётган турналар, сумалакка тош ташлаётган бошқоронгу, юзида сепкил тошган ой келинлар, Боботонинг қиррасида от миниб, айқириб турган бўз йипитлар, бойчечакни искаб, “кўкка етган кўкласин-эй!” дея дуо қилаётган кексалар, амалга кираётган самовий ҳамаллар... ана шу кўрганларим бири-қўйиб, бири олиб фақирингизни ўзининг гапигин хўжрасидан олиб чиқди. Дил тонгдай ёришди! Тонг юз ювиб содомига келган келинчақ янгиёқ қимтиниб деразадан қошига келди. Унинг камоли кўп зебо эди!

Аста-секин парадасини кўтарган тонг шўъласида шаҳарнинг қийғос гулла-ган ўриклари оқ байроқдек хилпиради. Оқ байроқ дегани “яраш-яраш” дегани! Гина-қудратлар, кетинг, йўқолинг дегани!

Баҳорни — олисга тушиб кетган пок ният сингийннинг ташрифини муносиб кутиб олмақ керак!

Баҳорни — қишдан омон чиқиб, сайилларни кўмсаётган кекса моможоннинг кўнглига қараш керак!

Баҳорни — ўрик шоҳидаги гулнинг довчага дўнишини кўтаётган ёш беканинг нигоҳларида титраб турган ҳаяжонни ардоқлаш шарт!

Баҳорни — заминнинг шўкронаси бўлиб ер устига чиқиб келаётган илақ нафасдан тош қотган дилларни эритмоқ палласи келди!

Баҳорни — ниҳол қадаётган юз ёшли бобони, унинг кўксига гувраниб, тилда шивирлаб турган сўзларни тингламоқ қаразир!

\*\*\*  
Шундай қилиб, биз ҳамхонанимизни уйғотганимиз:  
— Туринг, дўстим! Меҳмон келди!  
— Ким, қани?  
— Гулбаҳор!  
— Қайси Гулбаҳор! — эловраб кўз очади гафлатдан бизнинг иргалош.

У менга шу туршида тўқсон кун уйқуда ёттич, ўйғониб керишаётган айиқполвонни эслатади.  
— Баҳор келди! — шундай дейиш-да эшигу деразаларни ланг очиб юборамиз. Ланг очиб деразадан тонгда тинган ёмғирнинг, фақат баҳор ёмғириндан сўнг пайдо бўладиган озонга тўйган ҳавоси кириб келади. Ҳамхонанимиз бузилган уйқусига мотам қилиб, бизга гўнгилай бошлади.

Биз эса, уни эшитмаслик учун шевр ўқиймиз:  
Тонгта яқин тинган ёмғирдан кейин Деразанинг қалбай очоласанми? Хонангни тўлдирадиган севгидай ҳаво! Уни борлигинг-ла кучоласанми?..  
Донишмандлар айтмиш: бу оламда ҳар ким истаганини кўради ва истаганини эшитади! Баҳорнинг, шу ёмғирларнинг олиб келаётган айёми — Наврўз барчага муборак бўлсин!

# ПОКЛИК БИЛАН КЕЛАР ЙИЛБОШИ

Фаррух ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистон Фанлар академиясининг  
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти  
таънч докторанти

Тонгдаги кайфият инсонга қуни билан ҳамдам бўлганидек, йилнинг қандай келиши уни қанақа кутиб олишга ҳам боғлиқ. Бундай паллаларда одам гўзал хаёлларга, эзгу орзуларга берилади. Бир сўз билан айтганда, яшагиси, кўнлам каби яшнагиси келади. Ҳар баҳор шаҳару қишлоқларимизни бир кезиб чиқадиغان Йилбоши — Наврўз сайилларида ҳам шу майлни илғаш қийин эмас.



Хўтнинг сўнги кунларини халқимиз ободончилик ишларига бағишлайди. Ҳашар деб атамиш умум иши ёш қарининг бошини бириктиради. Кўчалар, сув йўллари, боғу роғлар тозаланади, дарахтларга шакл берилади, янги кўчатлар экилади. Аёллар эса, “уй кўтарали”. “Уй чиқариш” ҳам бир аънавий маросимдек гап. Барча тушанчию жиҳозлар ташқарига чиқарилиб, уй сидирғасига супуриб-сидирилади. Агар ҳар

оила ўз ўйи ва томорқасини саришта қилиб қўйса, бутун маҳалла, демакки, пировардида, бутун юрт обод бўлади. Ҳашар фақат кўча-қўйнинг эмас, балки руҳнинг тозаариши ҳамдир. Шу тариқа, озода ватан ва тоза руҳ билан кутиб олинади Йилбоши.

Сумалак — поклик, аҳилик тимсоли. Бугдой ундирадиган момони танлаша ҳам ҳар икки маънодаги покизалик бирламчи ўринга қўйилади. Рўзғори батартиб бўлмаган еки фиксу

фужурга аралашиб юрадиган аёллар ўчоқбошига йўлатилмайди. Ҳар бир ҳаракат “бисмилло” билан бошланишига алоҳида эътибор қаратилади. Таом пишгандан сўнг, ундан қўни-қўшни, узоқ-яқин қариндош-уруғларга улашिलाди. Сумалак кўп билан бўлгани учун ҳам бошқача маънода — да! Момоларимиз уни “ўттизмалак” деб эъозлайди. Гарчи бу гап арсона бўлса-да, одамларни покликка, эзгуликка чорлаб туриши билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда бир лаҳза ўтмишга қайтсак. Минг йил илгари яшаб ўтган Махмуд Кошғарий “сума” сўзига “ивитилган бугдой, арпа ва унинг шираси”, дея таъриф берган. Демак, “сумалак” бугун талқин қиланайтгандек маъно бермайди. Бу туркий сўзининг ўзаги — сума, “ла” феъл ясовчи, “к” от ясовчи қўшимча ҳисобланади.

Ҳашар, сумалак тайёрлаш маросимлари юртимизнинг барча гўшалари учун хос. Лекин ҳар бир ҳудуднинг Наврўз билан боғлиқ бетакорр анъаналари ҳам мавжуд. Масалан, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятларида “Қозонтўла” оилавий удуми сақланиб қолган. Мелодий ҳисоб билан Янги йилни кутиб олишда тўқин дастурхон тузалганидек, “Қозонтўла” да ҳам қозонлар тўдирилиб, турли баҳорий тансиқ таомлар пиширилади. Унинг замирида йилнинг тўқин келишига умидворлик ҳисси ётибди.

Жиззах вилоятида яқин-яқингача Йилбоши сайиллари уч чоршанба кунлари бўлиб ўтган, қарий бир ой давом этган. Байрам эски йилнинг охириги чоршанбасидан бошланган. “Охириги чоршанба” маросими юртимиздан ташқарида ҳам, деярли барча туркий халқларда учрайди. У эски йилдаги ёмонлик, гина-қудратлардан қутулиш, тозаариш мазмунини касб этади.

Йилбоши сайилларини кўп бутун бир анъаналар мажмуи дейиш мумкин. Алқисса, халқимиз Наврўзга нақадар кенг қамровда нишонлашининг ўзбек баҳор асрий доволар ошиб келаётганидан далолатлар. Бундан чиқди, бугун биз учун миллий қадриятларга айланган қолган ёки оддий кўнгилоҳар ўйиндек туюлган урф-одатларнинг илҳози тарих қудуғи тубидан сув ичади, аслида.

давра атрофига жамлади.

Турли факультетларда таълим олаётган йигит-қизлар дошқозон атрофида тўпланиб, Наврўзга оид куй-қўшиқлар, шеърлар парлар ижро этиди. Уларга устозлар ҳам жүр бўлди. Кексалар ташрифи эса, байрамга ўзгача файз киритди.

Талаба-қизлар меҳмонларни ўз қўллари билан тайёрлаган баҳорий егуликлар, ширинлигу мевалар билан сийлади. Дастурхонга дармондорига бой кук сомсалар чучваралар тортиди, ўчоққа ўтин қаланиб, элимизнинг шоҳ таомни — палов дамланди.

— Баҳорни ҳаминша интизорлик билан кутаман, — дейди чет тиллар факультетининг 1-курс талабаси Рухсора Раҳимова. — Чунки бу фасл бутун борлиққа ўзгача қўрк-тароват бағишлайди. Қалбага шодлик олиб қиради. Бугунги сайил жуда мароқли ўтди. Дошқозон бошида галма-гал туриб, дилга эзгу тиллар тугдик. Юртимизда шундай байрамлар бардавом бўлишини хоҳлайман. Тинч-осуда кунларимизга кўз тегмасин!

Тадбир сўнгида ўқиши ва жамотчилик ишларидаги фаоллиги учун бир қанча талабалар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Уларга Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасасидаги бошланғич таълим ёрилиқ ва эсаалик совғалари топширилди.

# ИНСТИТУТДА СУМАЛАК САЙЛИ

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Юртимизда янгиланиш ва яшариш айёми — Нарўзи олам шўқуҳи кезмоқда. Миллий қадриятларимизни ўзида мужжасам этган ушбу гўзал байрам ёш қарига бирдай татийди. Дилларни қувончга тўлдиради.



Наврўзи сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Бу таомни тайёрлаш халқимизга хос азалий аънава саналиб, одамларни бирдамлик, меҳру саховатга чорлаши билан

аҳамиятлидир. Бундай гўзал маросимларда ёшлар ҳам ҳозир нузир. Қуни кеча Нукус давлат педагогика институтида ўтказилган сумалак сайли ўнаб талабаларни аҳил

